

Юксак ҳуқуқий маданият — ҳуқуқий давлат асоси

Мамлакатимизда шахс ва оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим шарт сифатида белгиланган. Зеро, ҳуқуқий маданият юксак жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳам, уларнинг амалдаги ижросини жамоатчилик томонидан назорат қилиш ҳам самарали бўлади.

Шу боис ҳам юртимизда мустақилликнинг илк йиллариданок давлатимиз томонидан нафақат инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, балки жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири сифатида белгиланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳуқуқий маданиятнинг юқори даражада бўлиши ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида ҳуқуқий маданиятни ошириш муҳим мезон ҳисобланади. Шу билан бирга ҳуқуқий маданият савияси қабул қилинган қонунлар сони билан эмас, балки ушбу қонунларнинг барча даражаларда ижро этилиши билан белгиланади. Ушбу муҳим жараёнда одамларда қонунларга ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан чуқур ҳурмат ҳиссини тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, ҳуқуқий нормалар одамлар онгига сингган ва улар орқали амал қилган тақдирдагина яшайди ва рўёбга чиқади.

Дарҳақиқат, кучли фуқаролик жамиятига эришиш учун, аввало, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини яхши билиши ҳамда зиммаларидаги бурч ва мажбуриятларни ўз вақтида адо этишлари зарур.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилиб, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини тобора такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолиши таъкидланган.

Мамлакатимизда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга қаратилган тизимли тадбирлар натижасида фуқароларнинг нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий онги ҳам бугунги кун талабларига мос ҳолда юксалиб бораётганини кузатиш мумкин. Бунини уларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этаётгани, ҳар бир шахсда фуқаролик позицияси кучайиб, юртимиз истиқболи

билан боғлиқ давлатимиз сиёсатини қўллаб-қувватлаётганида кўриш мумкин.

Президентимизнинг 1997 йил 25 июнда қабул қилинган "Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида"ги Фармони, 1997 йил 29 августдаги Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 майдаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу соҳадаги ислохотлар ривожда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2001 йил 4 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши асосида эса, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим стандарти ва модели яратилди. Унга кўра, узлуксиз ҳуқуқий таълим аниқ мақсадларга қаратилган алоҳида босқичларга ажратилиб, боғча, мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида ўқиб-ўрганилмоқда.

Шу билан бирга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни оширишда ҳуқуқий тарқибот фаолияти ҳам муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2013 йилда Олий суд ходимлари юзлаб ҳуқуқий-тарқибот тадбирлари, семинар, илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида иштирок этиб, Ўзбекистон Конституциясининг мазмун-моҳияти, мустақиллик асослари, инсон ҳуқуқлари ва унинг ҳимояси, тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳуқуқлари ва бошқа қатор мавзуларда суҳбатлар олиб борди. Шу билан бирга, қуйи судлар томонидан 2013 йилда марказий ва маҳаллий телевидение, радио, газета ва журналлар орқали 9184 марта чиқишлар уюштирилган.

Бундан ташқари Олий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ҳамкорлигида "Сиз қонунни биласизми?", "Ҳуқуқ билимдонлари" республика кўрик-танловлари ўтказиб келинаётгани ўқувчи-ёшларимизнинг ҳуқуқий билимларини оширишга хизмат қилмоқда.

Айтиш керакки, ушбу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, кейинги йилларда одамларда ҳуқуқий билимларни пухта эгаллашга, Конституция ва қонунларни ўрганиш ва уларни ҳаётга татбиқ

қилишга интилиш ортди. Фуқаролар ўз шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини англаш баробарида зиммаларидаги бурчларини ҳам тушуниб етмоқдалар.

Аслини олганда, ҳуқуқий маданият фақатгина Конституция ва қонунларни билиш эмас, балки уларга амал қилиш ва ҳурмат кўрсатишда ифодаланади. Фуқароларнинг бу бурчлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида шундай эътироф этилган: "Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар" (48-модда).

Бугунги кунда манфаатдор вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ушбу мақсадларга эришишда алоҳида ўрин тутувчи Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурини такомиллаштириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Унда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни янги мазмун билан бойитиш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларда қабул қилинаётган қонунлар ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарқиб қилиш ишларини янада такомиллаштириш, аҳолининг турмуш даражасидаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, замонавий технология, фан ва техника ютуқлари асосида мутахассис кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш масалаларига эътибор қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, бундай изчил ишлар фуқаролар ҳуқуқий маданиятининг янада юксалиши, ҳуқуқ ва манфаатларининг таъминланиши, жамиятда қонун устуворлигининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ғайрат ХИДОЯТОВ,

Олий суд судьяси